https://gamaleya.org/about/elektronnaya-biblioteka/otdelnye-izdaniya/1219/

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26042815/

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25348878/

https://medj.rucml.ru/journal/45562d564553544e494b44562d41525449434c452d313230

https://www.dermatology.ru/ru/collections/prichiny-razvitiya-serorezistentnosti-pri-sifilise

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/22080265/

https://www.elibrary.ru/item.asp?edn=sfchdj

5C	Катталарда эрта висцерал захмни даволашда пенициллин **тавсия этилади**: – Бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи) 1 млн. ТБдан ҳар 4 соатда (суткасига 6 маҳал) м/о в 28 сутка давомида. – Бензилпенициллин (бензилпенициллин новокаинли тузи) 600 000 ТБ суткасига 2 маҳал м/о 28 сутка давомида.

5С	Катталарда кечки висцерал (кардиоваскуляр захм ҳам шу жумладан) захмни даволашда пенициллин **тавсия этилади**: — Бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи) 1 млн. ТБдан ҳар 4 соатда (суткасига 6 маҳал) м/о 28 кун давомида, 2 хафтадан сўнг – иккинчи даво курси бензилпенициллин билан шу дозада 14 сутка давомида. ёки — Бензилпенициллин (бензилпенициллин новокаинли тузи) 600 000 ТБдн суткасига 2 маҳал м/о 28 кун давмида, 2 хафтадан сўнг – иккинчи даво курси бензилпенициллин билан шу дозада 14 сутка давомида.

4С	Катталарда эрта ва кечки висцерал захмни даволашда пенициллинга аллергик сезувчанлиги бор пациентларга **тавсия этилади**: — Цефтриаксон 1,0 г дан суткасига 1 маҳал м/о 20 сутка давомида ва иккинчи даво курси шу дозада 10 сутка давомида. ёки Доксициклин 0,1 г дан суткасига 2 маҳал перорал 28 сутка давомида, иккинчи даво курси шу дозада 14 сутка давомида. ёки — Эритромицин 0,5 г дан суткасига 4 маҳал перорал 28 сутка давомида, иккинчи даво курси шу дозада 14 сутка давомида. ёки — Оксациллин ёки ампициллин 1 млн. ЕД 4 маҳал в сутка (хар 6 соатда) м/о 28 сутка давомида, иккинчи даво курси билан шу дозада 14 сутка давомида.

Захмнинг кечки шаклларини захира перорал антибиотиклар билан даволаш самараси парентералга нисбатан пастдир ва кўпинча серологик резистентлик холати билан якунланади. Таблетка препаратларини фақатгина парентерал препаратларнинг барчасига қарши кўрсатма мавжуд бўлгандагина тайинлаш мумкин.
Кечки кардиоваскуляр захмли беморларни даволаш кенг спектрли антибиотиклар билан 2 хафталик таёргарлик билан бошланади: доксициклин 0,1 г × 2 маҳал кунига, тетрациклин ёки эритромицин** 0,5 г × 4 маҳал кунига.

Нейрозахмни даволаш

Кўрув ва эшитув аъзолари зараланган захмли беморларни даволаш нейрозахм (эрта ёки кечки) ни даволаш схемаси бўйича амалга оширилади, бунда ликворологик текширув натижалари пойлаб ўтирилмайди. Чунки сезги аъзолари шикастланганда ликвор патологикдан фарқли ўлароқ меёрий кўрсаткиларда ҳам бўлиши мумкин.

https://gamaleya.org/about/elektronnaya-biblioteka/otdelnye-izdaniya/1219/

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26042815/

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25348878/

https://medj.rucml.ru/journal/45562d564553544e494b44562d41525449434c452d313230

https://www.dermatology.ru/ru/collections/prichiny-razvitiya-serorezistentnosti-pri-sifilise

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/22080265/

https://www.elibrary.ru/item.asp?edn=sfchdj

https://www.mediasphera.ru/issues/klinicheskaya-dermatologiya-i-venerologiya/2011/1/031997-28492011111

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27795370/

5С	Нейрозахмли пациентларни даволашда **тавсия этилади**: Бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи) 12 млн. ТБдан суткасига 2 маҳал в/и томчилаб 20 сутка давомида. Препаратнинг бир марталик дозасини 400 мл натрий хлориднинг изотоник эритмасида эритилади ва в/и 1,5-2 соат мобайнида юборилади. Эритмани тайёрлагандан кейин дарҳол ишлатиш лозим. ёки Бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи) 4 млн. ТБдан суткасига 6 маҳал в/и 20 сутка давомида. Препаратнинг бир марталик дозасини 10 мл натрий хлориднинг изотоник эритмасида эритилади ва в/и асталик билан 3-5 дақиқа давомида билак венасига юборилади.

5С	Нейрозахмли пациентларни даволашда пенициллин препаратига аллергик сезувчанлик аниқланганда **тавсия этилади**: Цефтриаксон 2,0 г дан суткасига 1 маҳал в/и 20 сутка давомида, оғир ҳолатларда (сифилити менингоэнцефалит, ўткир генераллашган менингит) препаратнинг суткалик дозасини 4 г гача кўтариш мумкин. ёки Доксициклин 0,1 г суткасига 2 маҳал перорал 28 сутка давомида, 2 хафтадан сўнг худди шу схема бўйича даво курси қайтарилади 14 кун давомида. ёки Эритромицин 0,5 г суткасига 4 маҳал перорал 28 сутка давомида, 2 хафтадан сўнг худди шу схема бўйича даво курси қайтарилади 14 кун давомида ёки Оксациллин **ёки** ампициллин 1 млн. ТБдан суткасига 4 маҳал (ҳар 6 соатда) м/о 28 сутка давомида, 2 хафтадан сўнг худди шу схема бўйича даво курси қайтарилади 14 кун давомида

Зўрайиш реакциясини олдини олиш учун (неврологик симптоматика пайдо бўлиши ёки

кучайиши) пенициллинтерапиянинг биринчи 3 кунида туширувчи схема билан преднизолон бериш тавсия этилади 90–60–30 мг (эрталаб 1 маҳал).

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27795370/

https://yandex.ru/search/?text=29.+Myles+TD%2C+Elkam+G%2C+Park-Hwang%2C+et+al.+The+Jarisch-Herxheimer+reaction+and+fetal+monitoring+changes+in+pregnant+women+treated+for+syphilis.Obstet+Gynecol+1998%3B+92%3A+859-864.&clid=2270455&win=475&lr=10335&msp=1

5C	Нейрозахмнинг кечки шаклини даволашда катталарда **тавсия этилади**: Бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи) 12 млн. ТБдан суткасига 2 в/и томчилаб 20 сутка давомида. Препаратнинг бир марталик дозасини натрий хлорид изотоник эритмасининг 400 мл эритилади ва асталик билан 1,5-2 соат мобайнида юборилади. Эритма тайёрланиши билан дарҳол ишлатилиши лозим. 2 хафтадан сўнг худди шу схема бўйича даво курси қайтарилади Бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи) 4 млн ТБдан суткасига 6 маҳал в/и 20 сутка давомида. Препаратнинг бир марталик дозасини натрий хлорид изотоник эритмасининг 10 мл эритилади ва асталик билан 5-6 дақиқа мобайнида билак венасига юборилади. 2 хафтадан сўнг худди шу схема бўйича даво курси қайтарилади

Пациент антибиотикотерапия билан параллел равишда офтальмолог ёки оториноларинголог назорати остида симптоматик давони ҳам олиши лозим. Бу беморлар устидан назорат даво тугаганидан сўнг: 6 ой, 1 йил ва ҳисобдан ечиш даврида олиб борилади.

5C	Кечки нейрозахмли пациентларни даволашда пенициллин препаратига аллергик сезувчанлик аниқланганда **тавсия этилади**: Цефтриаксон 2,0 г дан суткасига 1 маҳал в/и 20 сутка давомида, оғир холатларда (сифилитик менингоэнцефалит, ўткир генераллашган менингит) препаратнинг суткалик дозасини 4 г гача ошириш мумкин. Бу даво курсини 2 марта 2 хафта интервал билан ўтказилади. ёки Доксициклин 0,1 г суткасига 2 маҳал перорал 28 сутка давомида, 2 хафтадан сўнг худди шу схема бўйича даво курси қайтарилади 14 кун давомида ёки Эритромицин 0,5 г суткасига 4 маҳал перорал 28 сутка давомида, 2 хафтадан сўнг худди шу схема бўйича даво курси қайтарилади 14 кун давомида ёки Оксациллин ёки ампициллин 1 млн. ТБдан суткасига 4 маҳал (ҳар 6 соатда) м/о 28 сутка давомида, 2 хафтадан сўнг худди шу схема бўйича даво курси қайтарилади 14 кун давомида

Сифилиснинг кечки шакллари билан огриган беморларни огиз оркали захиравий антибиотиклар билан даволаш парентерал препаратлар билан даволашдан кура самарасиз ва купинча серологик резистентликка олиб келади. Таблеткали препаратлар факат парентерал кўлланиладиган барча антибиотикларга токат килмаса, буюрилиши мумкин.

Хомиладорларда сифилис давоси

https://gamaleya.org/about/elektronnaya-biblioteka/otdelnye-izdaniya/1219/

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26042815/

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25348878/

https://medj.rucml.ru/journal/45562d564553544e494b44562d41525449434c452d313230

https://www.dermatology.ru/ru/collections/prichiny-razvitiya-serorezistentnosti-pri-sifilise

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/22080265/

https://www.elibrary.ru/item.asp?edn=sfchdj

5C	Хомиладорларда гестация муддатидан қатъий назар захмни даволашда бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи ёки бензилпенициллин новокаинли тузи) тавсия этилади, даволаш схемаси юқорида таклиф этилган кўрсатмалардан бирида худди хомиладор эмас каби олиб борилади.

Ҳозирда захмни даволашда самарали ва қисқа муддатли даво турлари ишлаб чиқилгани туфайли хомиладорликни тўхтатишга кўрсатма қолмаган. Хомилани сақлаб қолиш ёки тўхтатишни онанинг ўзи хал қилади. Адекват даволашни эса шифокорнинг вазифасига киради (даво хомиладорликнинг 32 хафтасигача ўтказилиши лозим ва бунда бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи ёки бензилпенициллин новокаинли тузи), полусинтетик пенициллинлар ёки цефтриаксонлардан фойдаланилади) ва хомиладорларга рухий ёрдам кўрсатиш лозим.
https://vestnikdv.ru/jour/article/view/7

https://yandex.ru/search/?text=31.+Wendel+Jr.%2C+Sheffield+J.%2C+Hollier+L.%2C+Hill+J.%2C+Ramsey+P.%2C+Sánchez+P.+Treatment+of+Syphilis+in+Pregnancy+and+Prevention+of+Congenital+Syphilis.+Clin+Infect+Dis.+2002%3B+35%3A+200-209.&clid=2270455&win=475&lr=10335

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/16041252/

Туғма захмнинг олдини олиш мақсадида профилактик даво:
а) хомиладор бўлгунча захмдан даволанган, аммо нотрепонем серологик тестларда мусбат натижа сақланиб қолса.
б) хомиладорлик даврида махсус давони олган аёлларга.
https://yandex.ru/search/?text=31.+Wendel+Jr.%2C+Sheffield+J.%2C+Hollier+L.%2C+Hill+J.%2C+Ramsey+P.%2C+Sánchez+P.+Treatment+of+Syphilis+in+Pregnancy+and+Prevention+of+Congenital+Syphilis.+Clin+Infect+Dis.+2002%3B+35%3A+200-209.&clid=2270455&win=475&lr=10335

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/16041252/

- **Хомиладорларга профилактик даво** 20 хафта даврдан бошлаб ўтказилиши лозим, аммо кеч бошланган махсус даводан, тўғридан – тўғри профилактик даво уланиб кетади. Препаратлар, бир марталик дозалар ва уларни суткалик сони хомиладорлик йўқлиги давридаги схема бўйича одатдагидек олиб борилади. Профилактик даво давомийлиги 10 кун, лекин агарда махсус даво тўлиқ олиб борилмаганлиги тўғрисида маълумотлар бўлса даво муддати 20 кунни ташкил этади (қўшимча сифатида).

https://vestnikdv.ru/jour/article/view/7

https://yandex.ru/search/?text=31.+Wendel+Jr.%2C+Sheffield+J.%2C+Hollier+L.%2C+Hill+J.%2C+Ramsey+P.%2C+Sánchez+P.+Treatment+of+Syphilis+in+Pregnancy+and+Prevention+of+Congenital+Syphilis.+Clin+Infect+Dis.+2002%3B+35%3A+200-209.&clid=2270455&win=475&lr=10335

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/16041252/

- Агарда хомиладорда захмнинг шакли “кечки ёки кечки/эрталиги аниқланмаган” шакллари аниқланганда иккинчи махсус даво курси ўтказиш **тавсия этилади**, бу даво 20 хафта ва ундан ортиқ хомиладорлик муддатида ўтказилади ва бу профилактик даво ҳам хисобланади. Хомиладорга махсус ва профилактик давони ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилганда туғруқ жараёни оддий туғруққоналарда амалга оширилади. Онаси хомиладорлик даврида захмга қарши махсус ва профилактик давони тўлиқ олгандан сўнг хеч қандай захм белгиларисиз туғилган чақалоққа хеч қандай даво тавсия этилмайди.

https://vestnikdv.ru/jour/article/view/7

https://yandex.ru/search/?text=31.+Wendel+Jr.%2C+Sheffield+J.%2C+Hollier+L.%2C+Hill+J.%2C+Ramsey+P.%2C+Sánchez+P.+Treatment+of+Syphilis+in+Pregnancy+and+Prevention+of+Congenital+Syphilis.+Clin+Infect+Dis.+2002%3B+35%3A+200-209.&clid=2270455&win=475&lr=10335

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/16041252/

5C	Пенициллин (жумладан полусинтетик пенициллин) ва цефтриаксонга, тетрациклин қаторга кузатилган хомиладорларга, эритромицин тавсия этилади. Аммо эритромицин плацентар тўсиқдан ўтмаганлиги туфайли болани туғилганидан сўнг пенициллин билан эрта туғма захм схемаси бўйича даволанади.

https://vestnikdv.ru/jour/article/view/7

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/4700555/

https://diseases.medelement.com/disease/национальный-клинический-протокол-по-ведению-больных-с-ранними-формами-сифилиса-кп-узбекистан-2021/17527

Туғма захм беморларини даволаш

https://gamaleya.org/about/elektronnaya-biblioteka/otdelnye-izdaniya/1219/

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26042815/

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25348878/

https://medj.rucml.ru/journal/45562d564553544e494b44562d41525449434c452d313230

https://www.dermatology.ru/ru/collections/prichiny-razvitiya-serorezistentnosti-pri-sifilise

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/22080265/

https://www.elibrary.ru/item.asp?edn=sfchdj

5C	Эрта туғма захмли болаларни махсус даволашда қуйидаги даво схемаларидан бири **тавсия этилади**: бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи)

	1 ойгача болалар – 100 000. ТБ кг/сутка, бу доза 4 инъекцияга бўлинади (ҳар 6 соатда), м/о; 1 ойдан 6 ойгача болалар – 100 000 ТБ кг сутка, бу доза 4 инъекцияга бўлинади (ҳар 6 соатда), м/о; 6 ойдан 12 ойгача – 75 000 ТБ кг/сутка м/о; 1 ёшдан катта болалар – 50 000 ТБ кг/сутка м/о Даво давомийлиги болаларда - 28 сутка – бу холат манифест кечиш, эрта туғма захм ва ликворда серологик тасдиқланган нейрозахмга тавсия этилади. бензилпенициллин (бензилпенициллин новокаинли тузи) 50 000 ТБ кг/сутка, м/о, буни 2 та инъекцияга бўлинади (ҳар 12 соатда) 28 сутка давомида, бу холат манифест кечиш, эрта туғма захм ва ликворда серологик тасдиқланган нейрозахмга **тавсия этилади.**

Пенициллинга аллергик холатлар кузатилганда заҳира препаратлардан фойдаланилади:
– цефтриаксон болаларга 2 ойлик давригача 50 мг/кг/сутка 2 та юборишда, 2 ойдан 2 ёшгача –80 мг/ кг/сутка 2 та юборишда. Даво давомийлиги – 28 сутка, бу холат манифест кечиш, эрта туғма захм ва ликворда серологик тасдиқланган нейрозахмга **тавсия этилади.**
ёки
– ампициллин 100 000 ТБдан кг/сутка 2 маҳал, хаётнинг 1 - 8 куни, 3 маҳал сутка – хаётнинг 9 – 30, 4 маҳал сутка – 1 ойдан катта.
Даво давомийлиги – 28 сутка бу холат манифест кечиш, эрта туғма захм ва ликворда серологик тасдиқланган нейрозахмга **тавсия этилади.**

5С	Кечки туғма захмли болаларни махсус даволашда қуйидаги даво схемаларидан бири **тавсия этилади**: бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи) 50 000 ТБ кг/сутка, 6 инъекцияга бўлинади (ҳар 4 саотда) м/о 28 сутка давомида; 2 хафтадан сўнг бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи) билан худди шу схема бўйича даво курси қайтарилади 14 кун давомида **ёки** бензилпенициллин (бензилпенициллин новокаинли тузи) 50 000 ТБ кг/сутка, 2 инъекцияга бўлинади (ҳар 12 соатда) м/о 28 сутка давомида; 2 хафтадан сўнг бензилпенициллин (бензилпенициллин новокаинли тузи) билан худди шу схема бўйича даво курси қайтарилади 14 кун давомида

5С	Болаларда пенициллинга аллергик сезувчанлик кузатилганда қуйидагилар **тавсия этилади:** цефтриаксон**:

	— 2 ёшдан 12 ёшгача 80 мг/кг/сутка дозада, 2 юборишда, — 12 ёшдан катта болаларга –1-2 г/сутка.

Кечки туғма захм ёки манифест кечишда биринчи даво курси – 28 сутка; 2 хафтадан кейин цефтриаксон билан аналогик дозада 14 суткани ташкил этади.
Болаларда орттирилган захмни даволаш катталарни даволаш схемалари бўйича ташхис шаклига қараб олиб борилади, бунда ёшдан келиб антибактериал препаратларнинг дозаси белгиланади, лекин бу ерда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим, яъни бициллинлар 2 ёшгача бўлганларга мумкин эмас, тетрациклинлар эса – 8 ёшгача мумкин эмас. Болаларни даволашда пенициллин препаратининг дозаси тана оғирлигига нисбатан белгиланади: 6 ойгача бўлганларга пенициллиннинг натрили тузи 100 000 ТБ кг/сутка, 6 ойдан катталарга –75 000 ТБ кг/сутка ҳисобида ва 1 ёшдан катталарга –50 000 ТБ кг/сутка ҳисобида олиб борилади.
Пенициллин новокаинли тузининг суткалик дозаси ва дюрант препаратларнинг бир марталик дозасини 50 000 ТБ/кг ҳисобида олиб борилади.
Натрий тузли пенициллин учун суткалик доза 6 га бўлинади ва новокаинли тузи учун - 2 га бўлинади.
Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, чақалоқлар ва ойлик болалаларда сийдик таносил тизими анатомик тузилишининг ўзига хослигини ҳисобга олиб пенициллин инъекция сонини 4 маҳал/сутка га туширса бўлади. Оқиш трепонемаларнинг бошланғич инъекцияларда ёппасига нобуд бўлиши ва улардан токсик реакциянинг (Герксгеймер–Яриш–Лукашевич зўрайиш реакцияси) организмга токсик таъсирини олдини олиш мақсадида пенициллиннинг бир марталик дозаси 5000 ТБдан ошмаслиги керак. Биринчи суткада ҳар бир пенициллин инъекциясидан сўнг боланинг термометрияси ва соматик холати назорат қилиб борилади.
Превентив даво 3 ёшгача бўлган болаларнинг ҳаммасига тавсия этилади. Каттароқ ёшдаги болаларга даво схемаси ҳар бир болага индивидуал ёндошилади, бунда катта контактда бўлган шерикда захмнинг шакли, тошмалар локализацияси, катта ва бола ўртасида контактнинг қанчалик даражадалиги.
Бундай болаларга превентив антибактериал даво схемаси ва дозаси катталарники билан бир хилда бўлади.
Чақалоқларга профилактик давони хомиладорлик даврида захмга қарши даволанмаган ёки ноадекват даво олган ёки махсус давони хомиладорликнинг 32 хафтасидан кейин бошлаган ёки анъанавий давони ўз холича ўзгартириб олган оналардан туғилган, лекин захм клиник белгилари кузатилмаганларга ўтказилади, бундан ташқари хомиладорликда махсус давони олган, аммо профилактик давони олмаган оналардан туғилганларга ўтказилади. Препаратлар, бир марталик дозаси ва юбориш сони одатдагидек махсус даво билан бир хил олиб борилади.
Хомиладорлик даврида захмга қарши ноадекват кўрсатма бўлганда профилактик даво олмаган ёки даво олган онадан янги туғилган чақалоқларга даво давомийлиги 14 сутка, даволанмаган захмли онадан янги туғилган чақалоқларга – 28 сутка.

4С	Даводан самара кузатилмаса, реинфекция хаолатини текшириш лозим ва қўшимча даво **тавсия этилади**.

https://gamaleya.org/about/elektronnaya-biblioteka/otdelnye-izdaniya/1219/

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/26042815/

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/25348878/

https://medj.rucml.ru/journal/45562d564553544e494b44562d41525449434c452d313230

https://www.dermatology.ru/ru/collections/prichiny-razvitiya-serorezistentnosti-pri-sifilise

https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/22080265/

https://www.elibrary.ru/item.asp?edn=sfchdj

Реинфекцияни диагностика қилишда мезонлар комплекси мавжуд бўлиб, уларнинг биринчи тўрттаси мажбурийдир:

1. бирламчи юқтириш холати тиббий хужжат билан тасдиқланган;
2. бирламчи юқтирилган захмга нисбатан тўлиқ-тўкис даво ўтказилган ва бу тиббий хужжат билан тасдиқланган;
3. бирламчи даво даврида тошмалар ўз вақтида қайтиб йўқолган (агар мавжуд бўлган бўлса);
4. бирламчи касалликда даводан сўнг 12 ой мобайнида нотрепонем (МПР ва унинг аналоглари) тестлар титри камида тўрт маротаба пасайган, позитивлик пасайган ёки негативация юз берган;
5. захм тошмалари (агар мавжуд бўлса) вайтадан тошганда ва уларнинг ажралмасидан қоронғу майдонда микроскопия ўтказилганда Treponema pallidum аниқланиши;
6. илгари камида тўрт маротаба пасайган НТТ тестларда қайтадан мусбат натижалар пайдо бўлса ва олдингидан нисбатан улар титри кўтарила бошласа;
7. IgM-ИФА ёки IgM-ИБ усулларда антитрепонем IgM-антителолар аниқланса;
8. Захмнинг эрта шакли мавжуд бўлган янги касаллик манбаи аниқланганда.

5С	Захмга қарши махсус даводан самара кузатилмаганда пациентларга қўшимча даво **тавсия этилади**. Реинфекция, нейрозахм ва ички аъзолар спецификаси мавжуд бўлган захм шакллари бундан **мустасно**. Қўшимча даво, одатда қуйидаги препаратлардан бири билан олиб борилади: бензилпенициллин (бензилпенициллин натрийли тузи) 12 млн. ТБдан суткасига 2 маҳал в/и томчилаб 20 сутка давомида. ёки бензилпенициллин (бензилпенициллин новокаинли тузи) 1 млн. ТБдан суткасига 6 маҳал (ҳар 4 соатда) м/о 28 сутка давомида. ёки цефтриаксон** 1,0 г дан суткасига 2 маҳал м/о 20 сутка давомида.

Қўшимча даво қуйидаги холларда тайинланади:
тўлиқ даводан сўнг бир йилдан сўнг РМП/ RPR да титр тўрт баравар пасаймаса;
тўлиқ даводан сўнг 1,5 йилдан сўнг захмнинг эрта шаклларида РМП/ RPR да титр пасайши/позитивлик даражасида пасайишида тенденция кузатилмаса;
тўлиқ даводан сўнг 2 йил ўтгач РМП/ RPR да захмнинг эрта шаклларида тўлиқ негативация кузатилмаса;
тўлиқ даводан 6 ой ўтгач РМП/ RPR да эрта туғма захмда титр пасайиши тўрт баравар пасаймаса;
клиник ёки серологик рецидив холатларида.

Қўшимча даводан олдин пациентни ихтисосли шифокорлар (дерматовенеролог, офтальмолог, невролог, терапевт, оториноларинголог) кўрикдан ўтказиши, неврологик симптоматика бўлмаса ҳам орқа мия суюқлигини текшириш, эхокардиография (Эхо-КГ) ва электрокардиография (ЭКГ) ва жинсий шерикни клиник-серологик текширувдан ўтказиш лозим. Асаб тизими ёки ички аъзоларда патология аниқланадиган бўлса нейро- ёки висцерал захм ташхиси қўйилади ва уларни даволаш усуллари бўйича махсус даво ўтказилади.

Болаларни қўшимча даволаш, антибактериал препаратнинг ёшга боғлиқ дозаси танланган холда, катталарники билан бир олиб борилади.
Нейрозахмни қўшимча даволаш учун кўрсатмалар:
– клиник белгиларнинг кучайиши ёки рецидиви;
– орқа мия суюқлигида 6 ой ичида плеоцитоз пасаймаса ва 2 йил ичида меёрига тушмаса ёки, янаям ошса;
– орқа мия суюқлигида 1 йил ичида позитилик РМП/ RPR да пасаймаса;
– орқа мия суюқлигида 2 йил ичида оқсил миқдори сезиларли пасаймаса.
Қўшимча даво нейрозахмни даволаш методикаси бўйича олиб борилади.
Орқа мия суюқлигида оқсил миқдори цитоз ва серологик реакцияларга нисбатан секинроқ пасаяди ва баъзи холларда бунинг учун 2 йилгача муддат талаб этилади. Юқори миқдорда, лекин асталик билан пасаяётган оқсил миқдори, цитознинг меёрдаги кўрсаткичлари ва серологик тест натижаларининг манфий натижалари кузатилган холатлар қўшимча терапия курсини ўтказишга кўрсатма бўлиб хизмат бўлади.

Даводан ножўя таъсирлар ва асоратлар

Пациентларга даво бошлашдан олдин организмда кузатилиши мумкин бўлган реакциялар ҳақида тушунтириш олиб бориш олиб борилади. Даво олиб бориладиган тиббиёт муассасаларида тез тиббий ёрдам бериш имкони яратилган бўлиши лозим.
Кўрсатма бўлганда антимикотик препаратлар тайинланади.

Хирургик даво

https://www.mediasphera.ru/issues/klinicheskaya-dermatologiya-i-venerologiya/2013/3/031997-2849201336

https://www.mediasphera.ru/issues/kardiologiya-i-serdechno-sosudistaya-khirurgiya/2015/6/491996-63852015065

Захмда хирургик даво хирургик даво асосий касалликда лозим эмас, бу даво йўналиши захмнинг асоратларини (аорта аневризм, аортал етишмовчилик клиник тавсияларга асосан) даволашда кўрсатма бўлиши мумкин.

Бошқа даво тури

- Кўрсатмага кўра плазмаферез процедураси ўтказилади

Даволаш натижаларини баҳолаш

5C	Захм билан оғриган пациентларни даволаш натижаларини қуйидаги талабларга асосан баҳолаш тавсия этилади (захмни давоси самарадорлигининг серологик мезонлари): захмнинг эрта шаклларин махсус даводан сўнг 12 ой мобайнида носпецифик (нотрепонем текширувлар) серологик реакциялар негативацияси – ёки антитело титри 4 ва ундан кўп пасайиши.

РИФ, ИФА, ПГАР кўрсаткичлари даводан сўнг камдан-кам холларда манфийга тушади. Захмни ўтказганларда нотрепонем тестлари манфий бўлиб туриб, РИФ, ИФА ва ПГАР тахлилларининг мусбат бўлиб туриши даводаги муваффақиятсизлик деб қаралмайди.

4C	Нейрозахмда даволаш самарадорлигининг мезонлари деб санаш мумкин:

	– даволаш тугагандан сўнг 6 ой мобайнида плеоцитознинг меъёрига тушиши; – даволаш туггаганидан сўнг 2 йил мобайнида оқсил даражаси пасайиши ёки меъёр даражага тушиши; – даволаш якунидан 6-12 ойдан сўнг цереброспианл суюқликда нотрепонем текширувларда аниқланган антителоларнинг йўқолиши. Баъзи холларда юқоридаги антителолар 1 йилдан ортиқ муддат сақланиб қолиши мумкин, бундай холларда бу тестларда позитивлик даражаси мавжудлигини ҳисобга олинади; – янги неврологик симптомлар йўқлиги ва мавжуд бўлганларининг кўпаймаслиги.

5C	Қуйидаги холларда захмни даволаш **муваффақиятсиз ҳисобланади**: клиник белгиларнинг сақланиб қолиши ёки қайтадан пайдо бўлиши (клиник рецидив), нотрепонем серологик тестлардаги титрларнинг 4 ва ундан ортиқ турғун ошиб кетиши, реинфекция холати тасдиқланмаган холатда илгари манфийлашган нотрепонем тестларнинг қайтадан позитивлашиши (серологик рецидив), захмнинг эрта шаклларида захмга қарши махсус даво ўтказилганлигига қарамай 12 ой мобайнида нотрепонем тестларнинг турғун мусбат сақланиб қолиши (серологик резистентлик).

Агарда захмнинг эрта шаклларини махсус давосида сўнг 12 ой мобайнида нотрепонем тестларда секинлик билан позитивлик пасайиб борса (4 мартадан кам бўлмаган), аммо бутунлай негативация юз бермаса, нотрепонем тестларнинг сустлашган негативацияси дейилади. Клиник-серологик назоратни бундай беморларда 2 йилгача чўздирилади ва шундан сўнг қўшимча давога эҳтиёж бор/йўқлиги хал қилинади.

«ЗАХМ» КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛ

ТАШКЕНТ – 2025

1. Тиббий реабилитация

Белгиланмаган

2. Профилактик ва диспансер назорат

2.1. Орттирилган захм профилактикаси

Шахсий профилактика баръер контрацептив (презерватив) усулдан фойдаланишдир. Бегона шахс билан ҳимояланмаган жинсий алоқа рўй берганда мустақил равишда индивидуал профилактика воситаларидан фойдаланиш мумкин (масалан, хлоргексидин).

5C	Захм профилактикаси мақсадида аҳоли орасида санитария-оқартув ишларини олиб бориш; касаллик юқтириш хавфи бўлган маълум гуруҳлар орасида скрининг текширувлар олиб бориш, бу гурхлар орасида касалликка алоқадор шахсларга профилактик даво ўтказиш ва клиник-серологик назоратга олиш **тавсия этилади**.

5C	Захмга алоқадор шахсларга қуйидаги профилактик чоралар **тавсия этилади**: – захмнинг эрта шакллари билан оғриган беморлар билан жинсий алоқада бўлган ёки бевосита маиший контактда бўлганига 2 ойдан кўп вақт ўтмаган шахсларга юқорида кўрсатилган усуллардан бири билан превентив даво ўтказиш лозим. – захмнинг эрта шакллари билан оғриган беморлар билан жинсий алоқада бўлган ёки бевосита маиший контактда бўлганига 2 дан 4 ойгача вақт ўтган шахсларга, 2 ой оралиғи билан 2 марта клиник-серологик текширув ўтказилади; агарда алоқадан 4 ойдан кўп вақт ўтган бўлса бир марта клиник-серологик текширув ўтказилади. – Захм билан оғриган пациентнинг қони қуйилган реципиентга 3 ойдан кўп вақт ўтмаган бўлса юқорида тавсия этилган бирламчи захмни даволаш схемаларидан бири танланади, агарда 3 ойдан 6 ойгача вақт ўтган бўлса реципиент икки марта 2 ой оралиғи билан клиник-серологик назоратда туради; агарда 6 ойдан зиёд давр ўтган бўлса бир марта клиник-серологик текширувдан ўтказилади.

2.2. Туғма захм профилактикаси

Туғма захм профилактикаси антенатал ва постнатал амалга оширилади.
Антенатал профилактика қуйидагиларни ўз ичига олади: соғлом инсонлар билан ишлаш, хомиладорларга хомила ичи зарарланиши ҳақида маълумот бериш ва эрта текшиувлардан ўтиш лозимлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш; уч маротаба серологик текширувлардан ўтиш (аёллар маслаҳатхонасида, 28–30 хафталикда ва туғруқдан 2–3 хафта олдин); захм аниқланганда – адекват махсус ва давони ўтказиш.
Постнатал профилактика туғма захмни олдини олиш мақсадида профилактик даводир.

3. Клиник-серологик контроль (назорат)

5C	Захмнинг эрта шакллари билан жинсий ва маиший алоқадор шахсларга превентив даво ўтказилганидан сўнг 3 ойдан кейин бир марта клиник-серологик текширувдан ўтказиш тавсия этилади.

5C	Захм билан оғриган беморларни махсус даводан сўнг клиник-серологик контроль (назорат) биринчи йили ҳар 3 ойда бир марта, кейинги йилларда ҳар 6 ойда бир марта нотрепонем тестлар билан ўтказиш тавсия этилади.

5C	Давогача РМП/ RPR мусбат натижа кузатилган ва тўлиқ махсус давони олган пациентлар нотрепонем серологиктестлар негативациясигача текширувлар олиб борилади, сўнгра кейинги 12 ой мобайнида назоратда бўлади (бу даврда 2 марта серологик текширувдан ўтади).

Пациентда 12 ой мобайнида турғун нотрепонем тестларда негативация сақланиб қолса клиник-серологик контроль (назорат) тўхтатилади.

5C	Захмнинг кечки шакллари билан даволанган пациентларда нотрепонем тестлар кўпгина холларда мусбат натижада сақланиб қолади, улар камида 5 йил давомида клиник-серологик назоратда турадилар.

Захмнинг кечки шакллари билан даволанган пациентларин 5 йилдан сўнг ҳисобдан чиқариш ёки ундан кўп назоратда ушлаб туриш ҳақида ечимни индивидуал равишда амалга оширилади, бу хулосани олишда шифокор-невролог, шифокор-офтальмолог, шифокор-терапевт, орқа мия суюқлигини текшириб, эхо-КГ, ЭКГ натижалари катта аҳамиятга эга.

5C	**Нейрозахм билан даволанган пациентлар 5 йил давомида** клиник-серологик контрол (назорат) да турадилар ва ҳар 6-12 ойда орқа мия суюқлигини нейрожаррох иштирокида текшириш лозим.

Орқа мия суюқлигида патологик ўзгаришлар сақланиб қоладиган бўлса (нотрепонем тестлар мусбат) қўшимча даво курси ўтказилади. Даводан сўнг беморни 5 йилдан ортиқ назоратга олиш хулосаси шифокор-невролог иштирокида хал қилинади. Орқа мия суюқлиги таркибида турғун нормаллашиш (1 йил ичида 2 марта ликворда меёрдаги кўрсаткичлар), қолдиқ клиник белгилар кузатилган тақдирда ҳам, серологик назоратдан ечишга кўрсатма бўлади.

5C	Серопозитив онадан туғилган, лекин туғма захм билан оғримаган болалар, профилактик даво олган/олмаганлигидан қатъий назар, 1 йил давомида клиник-серологик назоратда турадилар.

Биринчи текширув 3 ойлик даврда педиатр, невропатолог, окулист, отоларингологлар иштирокида комплекс клиник-серологик текширувлар ўтказилади. Агарда серологик натижалар манфий ва касалликнинг клиник симптомлари кузатилмаса, текширувни 1 яшарлик даврда ҳисобдан ечишдан олдин яна бир бор қайтарилади. Баъзи холларда текшиувни 6-, 9- ва 12-ойлик даврда ўтказилади.
Захмдан махсус даво олган болалар, клиник-серологик назоратда 3 йил давомида турадилар.

3.1. Клиник-серологик контрол (назорат)ни тугатиш

Назорат даври тугуганида тўлиқ клиник-серологик текширувлар ўтказилади, жумладан РМП (ёки аналоги), ПГАР, ИФА ёки ИХЛА, зарур холларда РИФ, ИБ ва шифокор-терапевт/шифокор-педиатр, шифокор-невролог, шифокор-офтальмологлар кўриги ўтказилади.
Нейрозахм, висцерал захм, кечки захм турлари ва аниқланмаган шаклларида клиник-серологик назоратни тугатиш учун барча беморларга цереброспинал суюқликни тешируви, Эхо-КГ, ҳамда қон биокимёвий тахлили (жигар ферментлари, билирубин, креатинин, липидлар ва б.) ўтказилиши лозим.
Болалар муассасалари, озиқ овқат корхоналарида ишлайдиган ходимлар, захмга тўлиқ махсус давони олиб, клиник симптомлар (захмнинг манифест шакллари мавжуд бўлганда) тўлиқ регресс бўлгандагина ишга қўйиладилар.
Захмдан даво олган болалар тўлиқ махсус давони олиб клиник белгилар йўқолганидан кейин болалар муассасаларига қўйиладилар.
Нотрепонем тестлар мусабат сақланиб қолган пациентларда клиник-серологик назорат қуйидаги шартларда тугатилиши мумкин:
1) тўлиқ махсус ва қўшимча даво ўтказилганда;
2) клиник-серологик назорат 5 йил мобайнида олиб борилганда;
3) ҳисобдан ечишда орқа мия суюқлиги кўрсаткичлари меёрий кўрсаткичларда бўлганда;
4) юрак ва аортани ультратовуш текширувида кардиоваскуляр захм белгилари кузатилмаганда;
5)ёндош мутахассислар (шифокор-невролог,шифокор-офтальмолог,шифокор-оториноларинголог, шифокор-терапевт/педиатр) кўригида специфик линик патология аниқланмаганда.
Нотрепонем тестлар 5 йил давомида мусбат сақланиб қолганда назорат муддатини 5 йилдан кўпайтириш масаласини шифокор-дерматовенеролог индивидуал хал қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Национальные клинические протоколы по сифилису. Национальный̆ альянс дерматологов и косметологов // М. 2019. – 81 с.
2. Инфекции, передаваемые половым путем / Под ред. В.А. Аковбяна, В.И. Прохоренкова, Е.В. Соколовского // М., Медиасфера, 2007. – С. 324-337.
3. Красносельских Т.В., Соколовский Е.В. Современные стандарты диагностики сифилиса: сравнение российских и зарубежных клинических рекомендаций (сообщение I). Вестник дерматологии и венерологии, 2015; 2: 11-22.
4. Centers for Disease Control and Prevention. Sexually Transmitted Diseases Treatment Guidelines, 2015; MMWR Recomm Rep 2015; 64 (No. RR-3): 1-138.
5. Janier M., Hegyi V., Dupin N. et al. 2014 European guideline on the management of syphilis. J Eur Acad Dermatol Venereol, 2014; 28 (12): 1581-1593.
6. Ballard R., Hook E.W. III. Syphilis. In: Unemo M., Ballard R., Ison C., Lewis D., Ndowa F., Peeling R., eds. Laboratory diagnosis of sexually transmitted infections, including human immunodeficiency virus. World Health Organization (WHO), Geneva, Switzerland, 2013: 107-129.
7. Красносельских Т.В., Соколовский Е.В. Нейросифилис: нерешенные проблемы и невыученные уроки (часть I). Современные проблемы дерматовенерологии, иммунологии и врачебной косметологии, 2011; 5 (18): 5-11.
8. Красносельских Т.В., Соколовский Е.В. Нейросифилис: нерешенные проблемы и невыученные уроки (часть II). Современные проблемы дерматовенерологии, иммунологии и врачебной косметологии, 2011; 6 (19): 7-11.
9. Дмитриев Г.А., Потекаев Н.Н., Негашева Е.С., Фриго Н.В. ITPA-индекс в клинико-лабораторной диагностике нейросифилиса. Клинич дерматол венерол, 2017; 6: 38-43.
10. Красносельских Т.В., Манашева Е.Б., Гезей М.А. Проблемы диагностики и лечения сифилиса при коинфекции вирусом иммунодефицита человека. ВИЧ-инфекция и иммуносупрессии. 2018; 10 (2): 43-53.
11. Красносельских Т.В., Соколовский Е.В. Нейросифилис на фоне ВИЧ-инфекции. Вестник дерматологии и венерологии, 2015; 2: 49-57.
12. Юлдашев К.А. Состояние спинномозговой жидкости у больных замаҳалными формами сифилиса при однокурсовом методе. Дисс. канд. мед. наук. Москва. 1982.-142 с..
13. Лосева О.К., Чистякова Т.В., Лебедева Г.А., Кисель О.В. Выявление и диагностика кардиоваскулярного сифилиса в Москве. Клинич дерматол венерол, 2013; 3: 38-47.

14. Лосева О.К., Квижинадзе Г.Н., Залевская О.В., Юдакова В.М., Кисель О.В., Шкляров А.М. Клиника, течение и исходы кардиоваскулярного сифилиса (по материалам Московского региона). Кардиология и сердечно-сосудистая хирургия, 2015; 6: 22-25.

15. Красносельских Т.В., Соколовский Е.В. Современные стандарты терапии сифилиса: сравнение российских и зарубежных клинических рекомендаций (сообщение II). Вестник дерматологии и венерологии, 2015; 2: 23-40.

16. Юлдашев К.А. Показатели здоровья у лиц перенесших сифилис. Дисс. доктора мед. наук. Ташкент. 1996. -298 с.

17. Ghanem K.G., Workowski K.A. Management of adult syphilis. Clin Infect Dis, 2011; 53 Suppl 3: S110-S128.

18. Лосева О.К. Современные проблемы лечения сифилитической инфекции. Эффективная фармакотерапия, 2011; 10: 42-45.

19. Корепанова М.В., Коробейникова Э.А., Крюкова О.И. Клиническая эффективность цефтриаксона в терапии ранних форм сифилиса. Клинич дерматол венерол, 2011; 1: 55-58.

20. Лосева О.К., Скопинцева Д.А., Николенко Ю.А. и др. Об эффективности доксициклина при лечении больных ранними формами сифилиса. Вестн дерматол венерол, 2004; 6: 57.

21. Бохонович Д.В., Залевская О.В., Лосева О.К. Анализ качества клинико-серологического контроля после лечения больных сифилисом. Клинич дерматол венерол, 2016; 2: 33-38.

22. Стандарты диагностики и лечения по дерматовенерологии и косметологии. / Под ред. У.Ю.Сабирова и соавт. //Ташкент, 2019. – 554 с..

23. Khamaysi Z. et al. Clinical and imaging findings in patients with neurosyphilis: a study of a cohort and review of the literature //International journal of dermatology. – 2014. – Т. 53. – №. 7. – С. 812-819.

24. Czarnowska-Cubała M. et al. MR findings in neurosyphilis—a literature review with a focus on a practical approach to neuroimaging //Psychiatr Danub. – 2013. – Т. 25. – №. Suppl 2. – С. S153-7.

25. Finley K. H., ROSE A. S., Solomon H. C. Electroencephalographic studies on neurosyphilis //Archives of Neurology & Psychiatry. – 1942. – Т. 47. – №. 5. – С. 718-736.

26. Akovbyan, VA , Kubanova, AA , Toporovsky, LM , Benzylpenicillin benzatine (Extencillin) in the treatment of syphilis: five-year experience (Russian language). Vestnik Dermatologii iVenerologii 1998;4:61–4.

27. Idsøe, O , Guthe, T , Willcox, RR . Penicillin in the treatment of syphilis. The experience of three decades. Bull WHO 1972;47:1–68.

28. Gudjonsson H, Skog E. The effect of prednisolone on the Jarisch-Herxheimer reaction. Acta Dermatol Venereol 1968;48:15-8

29. Myles TD, Elam G, Park-Hwang E, et al. The Jarisch-Herxheimer reaction and fetal monitoring changes in pregnant women treated for syphilis.Obstet Gynecol 1998; 92: 859–864.

30. . Кубанова А.А., Доля О.В. Опыт применения цефтриаксона (роцефин) при сифилисе у беременных и новорожденных, а также у детей с серорезистентностью. Вестн. дерматол. и венерол. 2001; 2: 70-75.

31. Wendel Jr., Sheffield J., Hollier L., Hill J., Ramsey P., Sánchez P. Treatment of Syphilis in Pregnancy and Prevention of Congenital Syphilis. Clin Infect Dis. 2002; 35: 200-209.


32. Zhou P., Gu Z., Xu J.,Wang X., Liao K. A study evaluating ceftriaxoneas a treatment agent for primary and secondary syphilis in pregnancy. Sexually Transmitted Diseases 2005; 32(8):495–8.

33. Philipson A, Sabath LD and Charles D. Transplacental passage of erythromycin and clindamycin. N Engl J Med 1973; 288: 1219–1221.


34. Сифилис: от висмута до экстенциллина (монография для врачей) под редакцией проф. А.Ш.Ваисова. Ташкент. 2012. -244 с.

35. Худайбердиев Н.А. Ампициллин в терапии сифилиса: Дис. ... канд. мед. наук. - М., 1975.


Алгоритмы действий врача




Алгоритм диагностики нейросифилиса у ВИЧ-негативных пациентов



Алгоритм диагностики нейросифилиса у ВИЧ-позитивных пациентов



Алгоритм ведения детей с подозрением на врожденный сифилис



* Лечение ББП показано, только если мать не лечилась, лечилась недостаточно; лечение не документировано; лечение было начато за 4 или менее недели до родов; есть данные за реинфекцию или рецидив (увеличение титра НТТ в 4 и более раза)

** Клинический анализ крови + тромбоциты; функции печени исследование ЦСЖ; рентгенограммы длинных трубчатых костей и грудной клетки; нейровизуализационные исследования, обследование органов зрения и слуха

*** Не нуждаются в лечении дети, рожденные женщинами с серорезистентностью со стабильно низкими титрами НТТ (РМП — 1:2 и ниже, РПР — 1:4 и ниже) в течение года после окончания лечения

Захмни бошқариш бўйича амалий кўникмалар

(task shifting)

	Амалий хамшира	Оилавий шифокор (бакалавр)	Тор мутахассис
Шикоят ва анамнез			
Пациентдан шикоятларни йиғиш махоратини намойиши	+*	+	+
Захмга анамнез йиғаётганда унинг симптомлари ҳақида билимлар мажмуаси.		+	+
Тери таносил касалликлари ҳақида тўлиқ анамнез билимслари		+	+
Физикал кўрик			
• Умумий кўрик: Беморнинг умумий холатини баҳолаш (иситма, холсизлик, қувватсизлик). Тана ҳароратини ўлчаш. Регионар лимфа тугунларини текшириш (катталашган, оғриқли). • Тери ва шиллиқ қопламлар патологик тошмалар: Тошмалар жойлашиши. Тошмалар тури:		+	+
Ташхис қўйиш			
Ташхис қўйиш шикоятлар, анамнез, специфик симптомлар ва лаборатор-инструментал текширувлар асосида қўйилади		+	+
Асосий лаборатор диагностика			
Ассосий лаборатор тахлиллар:		+	+
Умумий қон тахлили		+	+
Нотрепонем ва трепонем тестлар		+	+
ОИВ-инфекциясига ИФА усулида текширув		+	+
Қўшимча лаборатор диагностика			
Тасдиқловчи тестлар (6 тадан камида 2 таси): РИФ, ИФА IgG и IgM, РИБТ, РПГА, ИХА, Иммуноблот IgG ва IgM			+
Умумий сийдик тахлили			+

Биохимиявий текширулар			+
Қўшимча инструментал текширувлар			
ЭКГ, ЭхоКГ, РЭГ			+
УЗИ внутренних органов			+
Даволаш			
Захмга қарши махсус даво (даволаш рукнида кўрсатилган)			+
Профилактика			
Аҳоли орасида хаёт тарзи ва жинсий тарбия ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш	+	+	+

Асосий тор мутахассислар дерматовенеролог.

*Бу ваколатлар тиббий хамшираларни тайёрлаш билан амалга оширилади.

Захмни бошқариш кўникмалари

	Амалий хамшира	**Оилавий шифокор (бакалавр)**	**Тор мутахассис**
Захмни тасвирлаш			+
Шикоятларнинг симптоматик тавсифи		+	+
Патофизиологик механизмларнинг тавсифи			+
Этиология, симптомлар ва тадқиқотлар (асосий лаборатория ва instrumental тадқиқотлар) асосида захм ташхисига ёндашувни яратиш.			+
Асосий тахлиллар интерпретацияси			+
Захмни даволашга ёндашувни шакллантириш			+
Сифилис учун дори-дармонсиз терапияни тасвирлаб беринг			+
Захмни даволашда ишлатиладиган турли хил дориларнинг таъсир механизми, кўрсатмалари ва ножўя таъсирини муҳокама қилинг.		+	+
Даволаш давомида захм ривожланишининг патофизиологик механизмларини муҳокама қилинг.			+

Асосий тор мутахассис шифокор-дерматовенеролог.